

Риёзус солиҳийн шархи / Риёзус солиҳийн шархи / 917-ҳадис

917 - وَعَنْ سَعْدٍ بْنِ أَبِي وَقَاصٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: عَادَنِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: «اللَّهُمَّ اشْفِ سَعْدًا، اللَّهُمَّ اشْفِ سَعْدًا». رَوَاهُ مُسْلِمٌ . [1628/8]

917. Саъд ибн Абу Ваққос розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллох соллаллоху алайҳи васаллам касаллигимда мени күргани келиб:

«Аллоҳумма ишфи Саъдан, Аллоҳумма ишфи Саъдан, Аллоҳумма ишфи Саъдан» (Аллоҳим, Саъдга шифо бер), деб айтдилар».

Имом Муслим ривояти.

Шарх: Ҳадиснинг тўла шакли қўйидагичадир:

Саъд розияллоху анхунинг учта фарзандидан ривоят қилинади, уларнинг барчаси отаси ҳақида шундай сўзлайдилар:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам Маккада Саъдни кўриш учун унинг олдига кирдилар. У йиглади. У зот: **«Нега йиглаяпсан?»** дедилар. У: «Саъд ибн Хавла вафот қилгани каби ҳижрат қилиб кетган еримда вафот қилишдан қўрқяпман», деди. Шунда Набий соллаллоху алайҳи васаллам уч бора: **«Аллоҳим, Саъдга шифо бер! Аллоҳим, Саъдга шифо бер!»** дедилар. У: «Эй Аллоҳнинг Расули, менинг молим кўп, менга фақат қизимгина меросхўр бўлади, молимнинг ҳаммасини васият қиласми?» деди. У зот: **«Йўқ»**, дедилар. У: «Учдан иккисиничи?» деди. У зот: **«Йўқ»**, дедилар. У: «Ярмичи?» деди. У зот: **«Йўқ»**, дедилар. У: «Учдан биричи?» деди. У зот: **«Учдан бири. Учдан бири ҳам кўп. Сенинг ўз молингдан қилган садақанг ҳам садақадир, оилангга нафақа қилишинг ҳам садақадир, аёлингнинг**

сенинг молингдан егани ҳам садақадир. Аҳлингни яхши ҳолда [ёки «тўкинликда»] қолдиришинг уларни одамлардан тиланадиган қилиб қолдирганингдан яхшидир» деб, қўллари билан ишора қилдилар».

Манба: hadis.islom.uz

